Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 19 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 49 (7142)

Da`vat

Ақл билан мол жам этса бўлур, аммо мол билан ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас.

«Қобуснома»дан

Ibrat

Чироқчи туманидаги 102 - мактабнинг собиқ ўқувчилари Ж.Ботиров, Х.Норбўтаев, Н.Саидқулов, Э.Аҳмедов ва Ш.Бекназаровлар ўз ҳисобларидан биттадан синф хоналарини таъмирлаб беришди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоасига мазкур комбинат ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан қутлов йўллади.

• Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

• Мамлакатимиз Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бугров бошчилигидаги бир гуруҳ Олий Мажлис депутатлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

• Хоразм Маъмун академиясида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари мавзусига бағишланди.

• Мексиканинг бир қатор штатларида Рихтер ўлчови бўйича 6,7 баллга тенг бўлган кучли зилзила юз берди.

• Жанубий Африка Республикасининг янги парламенти депутатлари Африка миллий конгресси етакчиси, 57 ёшли Табо Мбекни мамлакат Президенти этиб сайлашди.

• Украинада шу йил 31 октябрда бўлиб ўтадиган давлат бошлиғи сайловларига даъвогарлик бўйича 18 нафар сиёсий арбоб рўйхатга олинган.

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

17 июнь куни Термиз аэропортида давлатимиз раҳбарини Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев кутиб олди.

Даставвал, Юртбошимиз Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги «Айриток» божхона мажмуи фаолияти, мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги аҳвол билан танишди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, қўшни Афғонистондаги беқарор вазият минтақавий тинчлик масалаларига маълум маънода таъсир қилмоқда. Айтиш жоизки, қўшни давлатда тинчлик ўрнатиш юзасидан Ўзбекистон раҳбариятининг таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари чегарачиларнинг ҳаёти, аскарларнинг ҳарбий тайёргарлик даражаси билан қизиқиб, чегара қўшинлари мамлакат мудофаа тизимида асосий ўрин тутишини таъкидлади.

Шу ўринда, Йўлбошчимиз чегарачилар нафақат ҳарбий жиҳатдан, балки ташқи кўринишда ҳам бошқа қўшин турларидан ажралиб туриши кераклигини айтиб ўтди. Ўзбекистон чегарачиларининг формаси, генералдан тортиб оддий аскаргача, миллийлик руҳида бўлсин, эски шакллардан тубдан фарқ қилсин, энг асосийси, хизмат ва иқлим шароитига мос бўлсин, деди Президент.

Шундан сўнг, Юртбошимиз Жарқўрғон тумани «Сурхон» ширкатлар уюшмасининг «Улуғбек-2» фермер хўжалиги ғалла майдонларини бориб кўрди.

Ўтган йили санацияга тушган мазкур хўжалик аъзолари ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, жорий йилни даромад билан якунлашни мўлжалламоқда. Хўжалик далаларида, вилоятдаги асосий майдонлардан фарқли ўлароқ, буғдойнинг «Половчанка» нави экилган. Уюшма раиси Абдусаттор Қурбонов, бригадир Рўзибой Эшназаров ва оилавий ижарачи Нормўмин Омонтурдиев давлатимиз раҳбарига мазкур навнинг афзаллик томонлари: вилоят тупроқ-иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги, ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил олиш режалаштирилаётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Ислом Каримов ғаллакорлар меҳнатига юқори баҳо бериб, Сурхондарё вилояти шароитида «Юна» нави ўзини оқламай, асосий ғалла майдонлари занг касаллигига чалинган бир вақтда, хўжалик аъзолари эришаётган натижалар эътиборга лойиқ эканлигини қайд этди. Санацияга тушган хўжалик қўлга киритаётган муайян ижобий натижалар одамларда эртанги кунга ишонч уйғотади, деди Йўлбошчимиз.

Юртбошимиз вилоят ғаллачилигидаги камчиликларни бартараф этиш учун уруғлик танлашда деҳқон ва фермерларнинг тавсияларини ўрганиш, экиш муддатларини маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб белгилаш лозимлигини уқтирди.

Қумқўрғон тумани ҳокимлигида ёшлар билан суҳбат чоғида эса, Президентимиз Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими фаолияти билан қизиқиб, унда расмиятчилик ва лоқайдлик ҳукм сураётганини танқид қилди.

Шу куни Сурхондарё вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бугуни кунда вилоят меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифа — ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ва қисқа муддатда ўтказиш эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада навлар масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, ғаллакорларга вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори навларни таклиф қилиш керак, деди Президент. Ғаллачиликда кўрилган зарар, такрорий экинларни тезроқ экиш, ерлардан унумли фойдаланиш билангина қисман қопланиши мумкин.

Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча ишларни ислоҳотлар талаби асосида ташкил этиш вақти етди. Деҳқонни мажбурлаб далага чиқариш даври батамом ўтди, ҳозир бунга асло ҳожат йўқ. Шундай экан, бизнинг вазифамиз деҳқонга шароит яратиш, имконият бериш, рағбатлантиришдан иборат. Зеро, ислоҳот даврида эришган энг катта муваффақиятимиз — одамларда ўз кучига, келажакка ишонч пайдо бўлганидир, деди Йўлбошчимиз.

Йиғилишда ёшлар орасида ижтимоий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни турли экстремистик диний оқимлар таъсиридан асраш борасида ҳам сўз борди. Юртбошимиз бу борадаги ишларни янада жонлантириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, балки кенг жамоатчилик, барча фуқароларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Вилоятдаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса ёшларда интилиш, изланиш ва ташаббус бўлиши даркор, дея таъкидлади пировардида Ислом Каримов.

Шу куни давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига келди. Қарши аэропортида Юртбошимизни вилоят ҳокими Ш.Бегматов кутиб олди.

18 июнь куни давлатимиз раҳбари Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишининг бориши билан танишди. Американинг «АВВ» компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган ва 2000 йилда ишга туширилиши режалаштирилаётган мазкур иншоотда бугуни кунда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мажмуа фойдаланишга топширилгач, бу ерда йилига 125 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси — полиэтилен ишлаб чиқарилади. Эътиборли жиҳати шундаки, асосий бунёдкорлик ишлари республикамиз қурилиш ташкилотлари томонидан олиб борилянпти. Хорижий ҳамкорлар эса технологик жараён устидан назорат ўрнатиб, асосий ускуналарни ишга туширишга ёрдам бермоқдалар.

Йўлбошчимиз қурилишда меҳнат қилаётган ёшлар, вилоятнинг турли туманларидан келган қурувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг ишлаш ва яшаш, маданий-маиший шароити билан қизиқди.

Илгари бундай иншоотлар қуриш ҳақида фақат орзу қилар эдик, энди эса улар рўёбга чиқмоқда, деди Президент. Сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, танлаган йўлимиз тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Юртбошимиз газ-кимё мажмуининг ишчилар шаҳарчасини кўздан кечирди. Бу ерда ҳозирга қадар ҳар бири юз ўринли 3 та ётоқхона, 15 та турар жой биноси, коттежлар, ошхона, чойхона, нонвойхона, ўқув маркази, меҳмонхона ва бошқа маъмурий-маиший бинолар қуриб битказилган.

Ишчилар ошхонасидаги дастурхоннинг тўкинлиги, ноз-неъматларнинг мўл ва арзонлиги, шаҳарчадаги биноларнинг меъморий кўриниши Президентимиз эътирофига сазовор бўлди. Айни пайтда Йўлбошчимиз шаҳарчада ичимлик ва иссиқ сув таъминотини янада яхшилаш, тозалаш иншоотларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов Қамаши тумани «Чим» ширкат хўжалиги ғаллазорларини кўздан кечирди. Оилавий пудратчи Абдумурод Бозоров бу йил «Офелия» навини эккани, 780 гектар ғаллазордан ўртача 42 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётганлиги ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари туман машина-трактор паркининг деҳқонларга кўрсатаётган хизмати даражасини ошириш, ижарачи ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларга тўлиқ риоя этиш лозимлигини қайд этди.

Ислом Каримов «Кейс» комбайнига чиқиб, унинг ишлашини амалда синаб кўрди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди:

— Шўртан газ-кимё мажмуининг қурилишида бўлганимда ёшларнинг бугунги ҳаёти, мақсади, келажак режалари ҳақида суҳбатлашдим ва шунга амин бўлдимки, бундай катта иншоотлар қурилишида қатнашаётган йигитларимиз ўз вазифасини, масъулиятини тўғри баҳоламоқда, — деди жумладан Ислом Каримов. — Демак, улар келажакка умид билан боқмоқда, бугунги ўзгаришларнинг самарасини ҳис этмоқда. Инсон қилаётган ишини тўғри тушуниб етса, унга онгли ёндошса, бажараётган ишидан мамнун бўлса, бу бизнинг катта ютуғимиз, олиб бораётган сиёсатимизнинг амалдаги эътирофи, дейиш мумкин. Агар одам ҳаётда бир из қолдирмоқчи бўлса, жамиятга, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз фикрига, дунёқарашига таяниб яшаши керак. Шундан кейингина олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга ошириш имкони туғилади. Шундай ёшлар миллий мафкурамизга, таянинг қадриятларимизга, истиқлол йўлига зид айрим оқимларнинг қора ниятларини тушуниб етади ва уларга қарши кураша олади.

«Элита» қўшма корхонаси илмий департаментининг Яккабоғ тумани «Ўзбекистон» хўжалигида жойлашган тажриба майдонида ҳам ғалла уруғчилигини ривожлантириш, жанубий вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш масаласи муҳокама этилди. Мазкур тажриба майдонида юздан ортиқ буғдой турлари синовдан ўтмоқда, хўжаликлар учун сифатли уруғлик етиштирилмоқда. «Улуғбек-600», «Санзар-4», «Санзар-8», «Жаҳонгир-660», «Шердор» мазкур корхона олимлари томонидан яратилган навлардир. Ўтган йили корхонанинг Самарқанд вилоятидаги тажриба майдонига ташрифи чоғида Президентимиз ном қўйиб берган «Ўзбекистон-1» нави ҳам ўзининг эртапишарлиги билан мутахассислар эътиборини қозонди.

Яккабоғ тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойсанам Бобоқулова ва «Ўзбекистон» хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Авлаева билан шу ерда бўлиб ўтган мулоқотда Йўлбошчимиз туман аёлларининг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти, тиббий таъминоти, уларни ўйлантираётган муаммолар ҳақида суриштирди. Президентимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, турмуш даражасини янада юксалтириш лозимлигини қайд этиб, бу борада қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Аёлни ҳурмат қилиш — онани ҳурмат қилиш демакдир, — деди Юртбошимиз. — Мен она деганда Ватанни, Ватан деганда онани тушунаман. Аёлни, онани улуғлаш эса, Ватанни, юртни улуғлашдир.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда ҳам сафар давомида давлатимиз раҳбари ўртага қўйган масалалар муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимларига вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, маънавий-маърифий соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафар давомида Юртбошимизга Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Зиё, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов, Президент девони Ахборот, тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А.Исаев, Б.Олимжонов ҳамроҳлик қилди.

x x x

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов кутиб олди.

Беҳзод УСМОН,
Чори ТЎХТАЕВ,
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МАСЪУЛЛИКНИ СЕЗГАН МАҲАЛЛА

Bolangiz maktabga tayyormi?

— Қани болажонлар, ҳозир қайси фасл? — деди тарбиячи.

— Ҳозир ёз фасли, — жавоб берди Миразим.

— Баракалла. Ёзда об-ҳаво қандай бўлади?

— Иссиқ бўлади, қулупнайлар пишади, — шошиб деди Шукрулло.

— Жуда яхши. Мевалар қаерда пишади?

— Ерда, дарахтда, — деди Хадича секингина.

— Ситора, сен айт-чи, ёзда яна нималар пишади?

— Сабзавотлар пишади.

— Жуда ҳам тўғри. Мева, сабзавотлар уйимизда бўлмаса қаердан сотиб оламиз?

— Бозордан сотиб оламиз, — жавоб берди Усмонбек.

— Яхши. Бозор нима?

— Бозор савдо-сотиқ қиладиган жой, — деди Гулноза.

— Кимлар савдо қилади?

— Сотувчилар, — деди Дилноза.

— Кимлар сотиб олади?

— Харидорлар, — жавоб берди Шукрулло.

— Нимага сотилади?

— Пулга, — баравар жавоб берди болалар.

— Бу қандай пул?

— Ўзбек сўми, — деди Ситора.

Тарбиячи бу мавзудаги суҳбатга якун ясаб, Усмонбекка ёз фаслига мослаб чиройли сурат чизишни топширди. Қолган болаларнинг олдига 2 дан 9 гача бўлган сонлар ва шу сонларга доир капалак, нок, олма, қулупнай, балиқ, тиллақўнғизларнинг рангли расмлари қўйилди. Хадичага эса масала тушиш топширилди.

— Менда 8 та нок бор, иккитасини Ситорага бердим. Ўзимда олтита қолди. Яна биттасини Сарвинозга бердим, — дея ўйланиб қолди Хадича.

— Ўзингда қанча қолди?

— Бешта қолди, — ҳаяжонланиб деди Хадича.

Шу пайт Усмонбек ёз фаслига оид расмни чизиб бўлганини айтди.

— Қани, Усмонбек, нималарни чиздинг? — сўради тарбиячи.

(Давоми 2-бетда)

МАКТАБ МИНБАРИ

Tajriba

Жиззах вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Бахмал тумани таълим муассасаларини радио тармоқ билан таъминлашга киришилди. Қисқа фурсатларда тумандаги мавжуд 63 та мактаб, 2 та лицей тўлиқ ўз радио тармоғига эга бўлди. Бу ишни вилоят миқёсида жорий этишни ташкил қилиш мақсадида туманда ушбу мавзудаги вилоят семинари ўтказилиб, унга вилоятдаги барча туманлар ҳокимларининг ижтимоий соҳа муовинлари, халқ таълими бўлими мудирлари, таянч мактаблари директорлари таклиф этилди. Семинар иштирокчилари мактабларда бўлишиб, радиолаштириш бўйича олиб борилган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Таъкидлаш жоизки, туманда бу иш фақат мактабнинг ички имкониятлари, ҳомий ташкилотлар ва фидоий инсонлар кўмагида амалга оширилди.

Туманда ҳар душанба куни Мадҳия садолари остида Давлат байроғини кўтариш, шанба куни машғулотлар тугаши билан уни тушириш, ҳар куни биринчи дарсни мадҳияни ижро этиш билан бошлаш йўлга қўйилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг кўрсатмаси билан мактабларда ҳафтанинг душанба куни – ахборотлар куни қилиб белгиланди. Шу куни мактаб директорининг маънавият ва тарбия ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлигида ўтган ҳафта давомида жаҳонда юз берган муҳим воқеалар, республика, вилоят, туман миқёсидаги хабарлар мактаб радиоузели орқали ўқувчиларга етказилади. Ахборот куни мактаб ҳаётидаги хабарлар билан якунланади. Бу ишларга қизиқувчан ва изланувчан ўқитувчилар ва ҳар томонлама иқтидорли ўқувчилар жалб этилмоқда. Мактаб радиоузели орқали бериладиган эшиттиришларда одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар мавзуига ҳам алоҳида ўрин берилган. Бу билан ўқувчилар онгига миллий мафкура ғояларининг сингиб бориши таъминланади.

Мухбиримиз





БОЛАЖОНЛАР БЕКОР ҚОЛМАЙДИ

Бола ҳаёти, айниқса, ёзги таътил даврида кўпроқ ўйин билан ўтади. Ўйин жараёни машғулотлар билан омухталаштирилса-чи? Унда нур устига нур.

Дарвоқе, Тошкент шаҳридаги 298-мактаб қошида очилган соғломлаштириш оромгоҳида айнан ана шундай тамойилга амал қилинмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларидан 100 нафар ўғил-қиз у ерда дам олиш билан бирга турли хил тўгараклар ва спорт шўъбаларида машғул бўлишяпти. Улар ҳатто «Энг зўр суратни ким чиза олади?» танловини ўтказишга ҳам улгуришди.

Суратларда:

1. Болажонлар мактаб сузиш ҳавзасида мазза қилиб чўмилишяпти.

2. Тарбиячи Барно Мирдадаева «Лочин» гуруҳи чизган суратларни муҳокама қилаяпти.

3. «Ҳумо» гуруҳи болаларига тарбиячи Зоҳидахон Исломова китоб ўқиб бераётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ўқитувчи ён дафтарига

АЁЛЛАР ҚАРШИ ФИКРДА

Яқинда Европанинг атоқли олимлари Италиянинг Пиза шаҳридаги илмий текшириш марказида йиғилишди ва муҳаббат туйғуси хусусида баҳслашишди. Бир гуруҳ олимлар «муҳаббат оддий жисмоний ва руҳий касаллик» деган хулосага келишди. Бинобарин, биологик жиҳатдан соғлом одам севиб қолиши мумкин эмас экан. Аммо, кенгашда иштирок этган аёллар бу фикрга кескин қарши чиқишди.

ЖАБРДИЙДА МУШУКЛАР ҲИМОЯДА

Норвегияда сўнгги пайтларда уй ҳайвонларини ҳам ҳимоя қилиш одат тусига кирмоқда. Қизиғи шундаки, бу хонаки жониворлар асосан ўз эгаларидан ҳимоя қилинади. Бунга яқинда бўлиб ўтган қуйидаги воқеа ҳам мисолдир: мушукларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлган икки нафар уй бекаси мамлакат полицияси томонидан қамоқ жазосига тортилди.

ОЛИМЛАР ТАЖРИБАСИ

АҚШдаги Арканзас университети олимлари тажриба ўтказишиб, Марсда ҳаёт йўқ бўлса, уни яратиш мумкин, деган хулосага келдилар. Тажрибада ташқи оламдан умуман ажратиб қўйилган жойда Марс сайёрасининг муҳити яратилди ва у ерга кислородга эҳтиёж сезмайдиган, ўзлари метан гази ишлаб чиқарадиган ерости микроорганизмлари қўйилди. Тадқиқот ижобий натижа берди: микроорганизмлар махсус муҳитда ўзларини жуда яхши ҳис қилишди.

ЯНГИ УСУЛ РАД ЭТИЛМОҚДА

Бир гуруҳ олимлар картошка устида генетик тажриба ўтказишиб, йирик ҳосил берувчи ва тезпишар нав яратган эдилар. Шотландиянинг Абердин шаҳридаги илмий тадқиқот институти собиқ илмий ходими, доктор Арпад Пусташ эса, мазкур тажрибани илмий ўрганиб чиқди ва бундай усулда етиштирилган ҳосил истеъмолчиларнинг иммунитет тизимига салбий таъсир қилиши мумкин, деган тўхтамга келди.

СУД МАСЛАҲАТГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президентига ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари ҳаётига ҳамда Конституциявий тузумга тажовуз қилиш, қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очиқ суд мажлиси тарафларга: прокурор, адвокатлар, жарбланувчилар ва судланувчиларга музокораларга тайёргарлик кўриш учун берилган бир ҳафталик танаффусдан сўнг, 16 июнь куни суд мажлиси яна давом эттирилди.

ЎзА хабарига қараганда, шу куни тарафларга музокара учун сўз берилди. Музокарада сўзга чиққан прокурорлар – адлия катта маслаҳатчилари Б. Зоҳидов ва Н. Бобоев судланувчиларнинг содир этган жиноий ҳаракатларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, уларни уюшган қуролли гуруҳларни бирлаштириб, жиноий уюшма ташкил қилиш ва Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида фитна уюштириш, белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликлари суд мажлисида ўз исботини топган деб ҳисоблаб, судланувчиларнинг барчасига, уларнинг ҳар бирининг содир этган айбига қараб жазо турларини қўллашни сўрадилар. Барча жабрланувчилар прокурорларнинг фикрларини қўллаб-қувватладилар.

Суд мажлисида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари қатнашмоқда.

17 июнь куни суд жараёни давом этди. Унда адвокатларнинг ўз ҳимояларидаги судланувчиларни ҳимоя қилиш юзасидан музокара сўзлари эшитилди.

Судга раислик қилувчи, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари А. Полвонзода сўзни адвокат А. Икромовага беради. У ҳимоясидаги судланувчи Жиноят кодексининг турли моддаларига кўра айбланаётганлиги, у ўзининг кўргазмаларида қилмишидан пушаймон эканлигини, билиб-билмай бу номақбул оқимга кириб қолганини тан олишлигини таъкидлади. Ҳимоячилар жиноий ҳаракатларини инкор этмаган ҳолда, айбларига иқрор бўлиб, узр сўраётганларини инобатга олиб, уларга енгиллик беришларини сўрайдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзи адвокатлар ўз ҳимояларидаги айбланувчиларни ҳимоя этадиган бирон-бир асос тополмаётганликларини ҳам очиқ айтишди.

Кеча бўлиб ўтган суд жараёнида тарафларнинг музокара сўзлари тамомланди. Суд судланувчиларга охирги сўзни берди. Судланувчилар ўзларининг охирги сўзларида яна бир бор гуноҳкор эканликларини тан олиб, мамлакатимиз Президенти, халқи ва суд ҳайъатидан енгиллик беришни сўрадилар.

Суд судланувчиларнинг охирги сўзларини тинглаб бўлгач, раислик қилувчи суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришлигини ва шу йилнинг 28 июнига қадар танаффус эълон қилишини билдирди.

DTM tahlili

АРАФАДАГИ СИНОВ

Жорий ўқув йилининг сўнгида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 13 май куни қабул қилинган 203-сонли Қарорнинг 7-бандига мувофиқ барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари Давлат Тест маркази томонидан тест усулида якуний аттестациядан ўтказилди. Бу синовларда 32143 нафар битирувчининг билим даражаси кўп вариантли тизимда аниқланди.

Олинган натижалар эса, маълум маънода Республика вилоятлари, туман ва шаҳарлари бўйича умумий ўрта таълим мактабларида фанларнинг ўқитилишини холисона баҳолаш имконини ҳам беради. Боиси тест синовлари нафақат олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўраётган ўқувчилар орасида, балки жалб этилган умумий ўрта мактаб битирувчиларининг тўлиқ иштирокида амалга оширилди.

Натижаларга кўра, республикада тарих, биология, математика фанларидан олинган кўрсаткичлар нисбатан юқори бўлиб, немис, француз тиллари ва физика фанлари бўйича кўрсаткичлар анчагина паст эканлиги аниқланди. Нисбатан юқори натижаларга Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари, энг паст натижаларга Тошкент, Жиззах ва Фарғона вилоятлари эришганлар. Таҳлил шуни кўрсатдики, вилоятлар бир-бирига нисбатан юқори ва паст кўрсаткичга эга бўлса ҳам, улар бугунги кунда таълимга қўйилган талабларни бажариш учун кўп ишларни амалга оширишлари лозим. Масалан, Республика мактабларининг тарих фани бўйича кўрсаткичи 53, 9 фоиз бўлса, бу Бухоро (69,94 фоиз) ва Қашқадарё (68,01 фоиз) вилоятлари ҳисобига эришилган юқори натижадир.

Фанлар бўйича таҳлил шуни кўрсатдики, инглиз тили бўйича сифат Бухоро, Наманган вилоятларида нисбатан юқори, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятларида жуда паст даражада. Немис тилидан эса ҳеч бир вилоят мактана олмайди. Француз тилини ўргатиш Андижон вилоятидан бошқа вилоятларда қониқарсиз даражада экан. Математика Қашқадарё, Бухоро вилоятларида нисбатан юқори, Фарғона, Тошкент вилоятларида жуда паст натижани кўрсатди. Физика фани бўйича ҳеч бир вилоят мактанолмайди, биологиядан эса Бухоро, Сирдарё ва Навоий вилоятлари кўрсаткичи нисбатан юқори, Тошкент, Фарғона ва Жиззах вилоятларида тескариси. Кимё фани бўйича Бухоро вилоятида юқори, Сурхондарё, Фарғона ва Жиззах вилоятларида паст даражада. Ўзбек тили ва адабиётининг ўқитилиши Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қониқарли дейиш мумкин, бироқ Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қониқарсиз аҳволда.

Тест синовларини ўтказиш билан бир қаторда жойлардаги айрим умумий ўрта таълим мактаблари ҳолати, уларда олиб борилаётган ташкилий ишлар ҳамда ўқув жараёни билан ҳам танишилди. Намуналы, деб Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 17-мактаб, Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактаб, Жиззах вилояти Зомин туманидаги 1-ўрта мактабни кўрсатса бўлади. Уларнинг ҳолати, ўқув жараёнининг ташкил этилиши мақтовга лойиқдир. Лекин, бундай мактабларнинг камлиги ачинарли.

Шу билан бирга бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди:

— педагог кадрлар танқислиги, жумладан, аксарият мактабларда меҳнат таълими ва ёшларни чақириққача тайёрлаш бўйича мутахассислар етишмайди, дарсларни мутахассис бўлмаган одамлар ўтишаётганлиги аниқланди;

— мактабларнинг моддий-техника базаси ночор;

— ўқув-услубий таъминот етишмайди;

— айрим раҳбарларнинг педагогик кадрларнинг малака оширишига эътиборсизлиги (25—30 йилдан буён малака оширмаган ўқитувчилар борлиги аниқланди, Жиззах вилояти);

— кутубхоналарда қўшимча адабиёт, янги ўзбек алифбосидаги қўлланмалар, бадиий китоблар етишмаслиги;

— кутубхоначиларнинг махсус маълумотга эга эмаслиги;

— табиий, ижтимоий ва гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича услубий бирлашмаларнинг иш фаолиятлари қониқарсиз аҳволда;

— синф журналларининг юритилиши қониқарсиз.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълими мутасаддилари жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу тест синови натижаларини чуқур таҳлил этиб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабалари асосида тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари ҳамда кўрсатилган камчиликларни бартараф этишлари давр талабидир.

Давлат Тест маркази

O'zbekiston — vatanim mening

АВЛОДЛАРГА НАСИБ ЭТГАН БАХТ

Бундан 9 аср муқаддам буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний ўз ақлзаковати билан ер шар шаклида эканлигини, шарнинг иккинчи ярмида аҳоли яшайдиган қуруқлик, қитъа борлигини башорат қилган эди. Не синоатки, бу кун — мустақиллик замонида уларнинг авлодлари ўша узоқ жойларга қадам ранжида қилмоқдалар. Аслида истиқлолга эришилгандан кейин Ўзбекистон-Америка давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар кенгаймоқда. Дастлаб у ерда таълим олишни мактаб ўқувчилари, талабалар бошлаб беришди. Эндиликда бу давлатнинг «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти» ўрта мактаблар ўқитувчилари учун мўлжалланган дастури бўйича ҳам республикамизнинг инглиз тили фани муаллимлари ўз малакаларини оширадилар. Америкага жўнаб кетишлари олдидан Республика Таълим Маркази мажлислар залида ушбу дастур ғолибларини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қабул қилди. Вазир Америкага жўнаб кетаётган муаллимларни қутлар экан, бу маросимни ўзига хос ёруғ кун, деб атади.

Ёруғлиги шундаки, Америка ҳукуматининг «Ўқитишда аълочилик дастури»да 240 нафардан зиёд ўрта мактаб муаллимлари қатнашишди. Ниҳоят, унда 10 нафар ўқитувчи энг зукко ва билимдон, деб топилди.

Биз Андижон вилояти Асака туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Толибжон Ибрагимов, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Шарғун лицейи муаллимаси Гулнора Ниёзова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 28-мактаб директори Замира Йўлдошева ва бошқа муаллимлар билан суҳбатлашганимизда, ҳақиқатан ҳам улар танловга ўта жиддий тайёргарлик кўрганликларини айтдилар.

— Дастурда ғолиб чиқишимга ишонгандим, — деди Бухоро шаҳридаги 16-мактаб муаллимаси Мусаллам Сатторова, — шу боис Америкага ўзимча тайёргарлик кўра бошладим. Нусрат Наимовнинг «Муқаддас Бухоро» китобини инглизчага таржима қилдим. Китоб 8 минг нусхада чоп этилди. Шу китобнинг 100 тасини Америкага олиб кетаяпман. У ерда ўқувчиларга бу совғаларимни тарқатаман, шу билан бирга уларга диёримизда мустақилликдан кейинги ўзгаришларни сўзлаб бераман. Давлат рамзлари — мадҳия, байроқ, герб ҳақида тушунчалар бераман...

Танлов ғолиблари билан суҳбатлашар экансиз, улардан қандайдир янгилик, дарс олаётгандек ҳис қиласиз, ўзингизни. Мамлакатимизда инглиз тили фанига, компьютер таълимига кундан-кунга қизиқиш кучайиб бормоқда. Ҳаттоки, республикамиздаги 500 дан ортиқ болалар боғчаларида ота-оналар истаги билан хорижий тиллар болажонларга ўргатиляпти. Агар 2—3 нафар шундай илғор ўқитувчилар бирлашиб Тил марказлари очишса, унга қизиқиш ва ҳавас янада кучайиши шубҳасиз. Башарти, бола фақат ўзлаштиришни эмас, муайян даражада суҳбатда бўлишни, мулоқотга киришишни хоҳлайди. Ундан ташқари, тил марказида ўғил-қизларнинг Америка тўғрисидаги тасаввурлари бойийди, улар таълимидаги илғор жиҳатларни ўрганадилар.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти директори Майкл Куртис эса дастур ғолибларининг қаерларда бўлишлиги тўғрисида маълумот берди. Ғолиблар дастлаб Вашингтон шаҳрига ташриф буюришади. Гўзал шаҳар билан танишувдан сўнг Монтана штатидаги Боузмен шаҳрида жойлашган Монтана Давлат университетида 7-ҳафталик малака ошириш дастурида иштирок этадилар.

Маросим сўнгида дастур ғолибларига махсус совғалар тақдим этилиб, сафар муваффақиятли ўтишига тилак билдирилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Himmat

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Ғаллаорол туманидаги 33-мактаб биносида мавжуд бўлган тўққизта синфхона анча йиллар бўлдики, эҳтиёжни қондира олмай қолди. Йил сайин мактаб ўқувчиларининг сони ошиши натижасида дарслар икки сменада ўтила бошланди. Синф хоналарига бўлган эҳтиёжни қоплаш, ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун янада кенгроқ имконият яратиш мақсадида мактабимиз жамоаси ҳашар йўли билан қўшимча синфхоналари қуришга киришган эди. Ҳозирда деярли шай ҳолга келган қўшимча саккизта синфхонада сўнгги таъмирлаш ишлари бормоқда.

Қўшимча биноларни қуришда Авлиё ота қишлоғи аҳли ва асосан мактаб жамоаси жонбозлик кўрсатдилар. Қурилиш ишлари давомида айниқса ўқитувчиларимизнинг фидокорлигига ва ўз касбига, мактабга бўлган садоқати юксаклигига яна бир бор амин бўлдим. Уз меҳнатлари самараси бўлган ва деярли фойдаланишга тахт ҳолга келиб қолган янги хоналарни кўриб, албатта, ўқитувчилар шодлигининг чеки йўқ. Фақат бир муаммо қолди — тайёр синфларни стол-стул, парта сингари турли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лозим. Агар бу борада бирорта ҳомийми, оталиқ ташкилотми мактабга ёрдам қўлини чўзса, мушкулимиз осон бўлар эди.

Яҳё НОРҚУЗИЕВ, Ғаллаорол туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси

МАСЪУЛЛИКНИ СЕЗГАН МАҲАЛЛА

(Боши 1-бетда)

— Бу уй. Бу менинг опам. Юқорида қуёш нур сочиб турибди. Тоғлар ортидан қушлар учиб келяпти. Бу гулларнинг расми.

— Уйнинг томи ва тоғ қандай шаклда тасвирланган?

— Учбурчак шаклда чиздим.

— Нечта учбурчак бор?

— Бир, икки, учта учбурчак бор.

Шундан сўнг болажонлар «Бойланди» сўз ўйинини ўйнаб машғулотни тамомладилар.

Ҳа, пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев маҳалла қўмитаси қошида ташкил этилган якшанбалик мактабида болалар боғчасига қамралмаган ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш бўйича ана шундай мужассам машғулотлар олиб борилмоқда.

— Болалар дастлаб машғулотга келганларида, — дейди тарбиячи Холида Нормирзаева, — уятчан, тортинчоқ, ҳатто стулчада ўтиришни ҳам билишмас эди. Айрим болалар йиғлашар, онаси билан ёнма-ён ўтиришарди. Машғулотлар ўйин орқали қизиқарли ўтилиши натижасида кичкинтойлар қизиқиб қолишди. Дастлаб битта сўзни ҳам айтолмаган дилбандлар эндиликда берилган саволларга бурро жавоб қайтаришаётир. Жорий йилда учинчи бор кам таъминланган оилаларнинг боғчага тортилмаган фарзандлари маҳаллада мактабга тайёрланмоқда. Дастлабки йили 9 нафар бола мактабга тайёрланиб, 185-мактабнинг 1-синфига борган. Улар яхши ўқиганликлари сабабли 1-синфдан 3-синфга «сакрашган». Ўтган йили 7 нафар мактабга тайёрланган боланинг 2 нафари суҳбат тестидан ўтиб, 45-халқ амалий санъати коллежига қабул қилинган. Бу йилги машғулотлар январь ойида бошланган бўлиб, июнь ойида тугайди.

Тумандаги 194-болалар боғчасининг тажрибали тарбиячилари Холида Нормирзаева ҳамда Мавжуда Усмоновалар ширин сўзлари, ранг-баранг, қизиқарли машғулотлари билан нозик қалблар кўнглига йўл топмоқдалар. Машғулотларда алифбо, математик тасаввурни ўстириш, табиат ҳақидаги билимни ошириш, Ватанга, ўзи яшаётган жойга муҳаббат туйғусини шакллантириш, илк иқтисодий тушунча бериш, мусиқа оҳангларига мослашиш, жисмоний тарбияга алоҳида аҳамият берилаётир.

— Маҳалламиз, — деди Абдулла Набиев маҳалла қўмитаси оқсоқоли, подполковник Азиз ака Қорабоев, — 194-болалар боғчаси ҳамда 185-мактаб билан ҳамкорликда «Маҳалла, мактаб, боғча» концепцияси—асосида иш юритиб келмоқда. 1998-99 ўқув йили бошида маҳалла, мактаб, боғча ташкилотчилари иштирокида иш режаси тузилиб, 36 нафар ўғил-қиз мактабга чиқиши, шулардан 9 нафари кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлиб, боғчага тортилмаганлиги аниқланди. Ота-оналар йиғилиши ўтказиб, маҳалла қошида маҳалла ҳомийлигида якшанбалик мактабларида болаларни мактабга тайёрлаш боғча тарбиячилари зиммасига юклатилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
Суратда: Мавжуда УСМОНОВА болалар билан машғулот ўтаётир.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

БИЛИМЛАРИ ЯКУНИЙ БАҲОЛАНМОҚДА

Бугун республикамиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари битирувчи курсларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг талабалик ҳаётида энг сўнгги довон – давлат имтиҳонларини топшириш жараёни ўтаяпти. Яна саноқли фурсатдан кейин улар ёш мутахассис кадр бўлишади ва ўз билимларини амалиётда намоён этишади. Бугунги битирувчиларнинг ўз касбига қанчалик мойиллиги, танлаган мутахассислигига қанчалик садоқатлилигини вақт кўрсатади. Айни пайтда эса уларнинг билими давлат ихтисос ҳайъати аъзолари томонидан сараланиб, муносиб баҳоланмоқда.

Тошкент вилояти педагогика билим юртида бўлганимизда, бу ердаги битирувчи талабаларнинг ҳаяжонию ўқитувчилар масъулиятининг гувоҳи бўлдик. Шу кунларда мазкур даргоҳнинг мактабгача таълим, бошланғич таълим услубиёти ҳамда сиртқи бўлимларида битирувчилар ижтимоий-иқтисодий билим асослари, она тили, математика ва уларни ўқитиш услубияти, педагогика ва махсус фанларни ўқитиш услубияти фанларидан давлат имтиҳонини топширмоқдалар.

— Бугун талабаларимизнинг бутун таҳсил давомида олган билимлари сараланаяпти, — деди билим юрти раҳбарининг ўқув ишлари бўйича муовини Хайрулла Сайдуллаев. — Ҳозирча имтиҳон натижалари ёмон эмас. Имтиёзли диплом билан битираётган ёшларимиз ҳам бор. Улар ота-онаси, ўқитувчиларининг ишончини оқлаб, барча давлат имтиҳонларини фақат аъло баҳоларга топшириб, юксак дипломга тавсия этилаяпти. Бу, албатта, кўп изланишлар, самарали меҳнатнинг мевасидир.

Jarayon

Билим юртимизда давлат ихтисос ҳайъати таркиби тузилиб, уларга мутахассисликлар бўйича Низомий номидаги ТДПУ олимларидан педагогика назарияси ва тарихи кафедраси мудири, профессор Ж. Ҳасанбоев, иқтисод назарияси кафедраси доценти Ш. Бозоров, мактабгача тарбия услубияти кафедраси катта ўқитувчиси Х. Қосимовалар ҳайъат раислари, таълим маскани директори Ниғмат Сайдуллаев ҳайъат раиси ўринбосари этиб тайинланган.

Шунингдек, фанлар бўйича мавжуд 9 та услубий бирлашма бошлиқлари ҳамда бўлим бошлиқлари ҳам ҳайъат аъзолигига қўшилган.

Давлат имтиҳонини топширишаётган талабалар учун аудиторияларда қатор шароитлар яратилган. Йўналишлар бўйича махсус адабиётлар рўйхати, кўргазмали қуроллар ва бошқа зарур услубий тавсияномалар алоҳида бурчакдан жой олган. Бошланғич таълим услубиёти бўлими бошлиғи Ирена Магдиеванинг таъкидлашича, 3-гуруҳ талабалари А. Рустемова, Р. Умрбоева, 4-Д гуруҳи талабаси Д. Мусаева ижтимоий фан асослари, 4-Е гуруҳи талабаси Ю. Утегенова математикани ўқитиш методикаси, 4-Д гуруҳидан Д. Мирзаахмедова она тили методикаси фанларидан яхши жавоб беришиб, ўзларининг чуқур билимга эга эканликларини исботладилар.

— Дипломни олгач, тўғри мактабга бориб, бу ерда олган назарий билимларимни амалиётда қўллаш ниятидаман, — дейди 3-гуруҳ сардори Лола Сайдаҳмедова. – Кейинчалик олийгоҳда ўқишимни сиртдан давом эттирмоқчиман.

Бу йил ўқув юртларини тамомлаётган барча битирувчилар қувончига биз ҳам шерик бўлган ҳолда уларга навбатдаги синовларни муваффақиятли топширишларига тилак билдириб қоламиз.

Нурлан УСМОНОВ, «Маърифат» мухбири

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

"ҲАМРОЗ"ДАН МАКТАБ РОЗИ

«Ҳамроз» — кичик корхона. Унинг бошлиғи Ҳасан Сайфуллаев. Манзили Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани маркази. 1995 йилда ташкил қилинган. Дастлаб «Нуроний» жамғармаси ҳисобидан 98 минг сўм сармоя билан иш бошлаган «Ҳамроз» ҳозирда ўзини анча тутиб олди. «Қарз» аллақачон қайтарилди.

«Ҳамроз» ўз ихтиёри билан 81-ўрта мактабни оталиққа олди. Корхона раиси Ҳасан шу мактабнинг собиқ ўқувчиси. Бундан 20 йил муқаддам Ҳасан ва унинг синфдошлари қўйиб берган гишт билан тиклинган мактаб биносида уларнинг фарзандлари таҳсил олишяпти. 82-ўрта мактаб базаси янги бинога кўчиб ўтгандан сўнг бу ер 81-мактабга айлантирилди.

Гапнинг лўндаси, Ҳасаннинг ишлари чакки эмас. Тадбиркорликда ҳисобкитобни пухта олиб борсанг, фойда ўз «оёғи» билан келаверар экан. Ҳисоб рақамидаги кирим-чиқимни чалкаштириш, бўлар-бўлмас харажатларга сарфлаш ярамайди. Мактабни таъмирлашми, марҳамат! Қилган ишингни одамлар ҳам кўради ва баҳо беради.

1998 йил ҳисобидан 5-,-81-мактаб биноларини таъмирлашга 56 минг сўм маблағ сарфланди. Оталиқдаги мактабга 20 кг. турли хил бўёқ ва 17 квадрат метр дераза ойнаси ажратилди. Бу пулга чақилганда, 30 минг сўмни ташкил этади.

— Корхонангизнинг номи нима учун «Ҳамроз»?

— Раҳматлик дадамнинг ташаббуслари билан корхонамиз шундай номланган. Ҳамроз — юрақдаги гапу сирларни айтиб, ҳасратлашса, маслаҳатлашса буладиган, энг яқин улфат, меҳрибон дўст ва сирдош киши. Уз оталиғимиздаги мактабларга биз худди шундай муносабатдамиз. Уларга кўрсатадиган ёрдамларимиз фойда ҳисобидан.

— Ҳисоб рақамингизда қанча маблағ бор?

— Бу сирлигича қолсин!

Ҳасан мийиғида жилмайиб, жавобни ярим ҳазилга айлантирди. Назаримда, у ҳақиқий ишбилармон кишиларга хос йўл тутди.

Maktab va tadbirkor

Нима ҳам дердик, «Ҳамроз»нинг ҳисоб рақами пулга тўлаверсин! Ва у бошқа мактабларни ҳам ўз оталиғига олиб, ёрдам қўлини чўзиб юраверсин!

САВОБГА БОТГАН ЙИГИТ

Ўзи ўқиган мактаб ёнидан ўтар экан, Бахтиёрнинг кўз ўнгида ўқувчилик йиллари жонланарди. Буёғи кўчиб кетган поллар, ойнаси синиқ дераза-лар, қишда яхши исимайдиган печлар...

Ҳозир шукрки, мактабнинг аҳволи анча ўнгланган. Лекин барибир ўқув йили тугагач, ҳар қандай мактаб ҳам таъмирталаб бўлиб қолади. Қўлдан келганча, халқнинг фарзанди савод чиқараётган даргоҳга мадад бериши керак. Савобнинг бари шунда... У ҳар дам шу ҳақда ўйларди.

Бахтиёр Равшанов ҳам Қўшработ туманида туғилиб вояга етган. Мактабни тугатиб, Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида таҳсил олди. Ишлари ҳадеганда юришавермади.

Отаси Умар аканинг маслаҳати билан, 1997 йилда хусусий фирма очиб, иш бошлади. «Нуроний»жамғармасидан 22 минг сўм маблағ сўрашди, йўқ демадилар.

Шундай қилиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарадиган «Умар» хусусий фирмаси вужудга келди. Бахтиёр Равшанов ишнинг кўзини шунда деб биладики, бино ва иншоотлар қанчалик сифатли, чиройли созланса, мижозлар шунчалик кўпаяди.

Самарқанд шаҳридан «Жаҳонгир», «Сатурн» фирмалари, Навоий цемент заводи, Тошкент лак-бўёқ заводи билан тузилган шартномага мувофиқ, турли қурилиш материаллари «Умар» хусусий фирмасига келтирилмоқда. Заҳирада қурилиш-таъмирлаш ишлари учун материал сероб бўлса, ишлар беш деяверинг.

«Умар» хусусий фирмаси 1997 йилда ташкил этилган бўлса-да, қисқа давр ичида у жуда кўплаб объектларни кириши қилиб созлаб берди. Пангат болалар ёзги оромгоҳи, Сарой қишлоғидаги боғча, туман марказидаги бизнес мактаби, 43-саккиз йиллик мактаб, марказий шифохона, Жўш ва Оқтепа қишлоқларидаги касалхоналар...

Савобнинг бари мактабда.

Бахтиёр шу фикрда.

Шу йил баҳорда 81-мактаб деразалари яшин уриши натижасида дарз кетиб, анчагина қисми шикастланди. Шунда бу хусусий фирма қурувчилари 122 квадрат метрлик ойна қўйиб берди. Ўтган йили Зармитандаги 26-мактабни бошдан-оёқ созлаб берган бу фирма аъзолари бу йил 82-ўрта мактабда 300 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширмоқчи.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида Республикамиздаги Ташҳис маркази дефектологлари, болалар боғча мудиралари ва психологлардан иборат тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг маърузаси бағоят маъқул тушди. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларининг жойларда қай даражада бажарилаётганлиги, мустақил давлатнинг равнақи, миллий анъаналар, тараққий этган хорижий мамлакатларнинг таълим техникаси ва технологияларни жорий этиш жараёни у кишининг маърузасида ўз аксини топди.

АМАЛИЁТГА УНДОВЧИ ТААССУРОТ

Ташхис маркази ходимлари олдида турган вазифалар, ўқитувчи қандай шахс бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан шуғулланаётган, 500 дан зиёд мактабнинг мавжудлиги, бюджетдан ташқари хўжалик фаолияти ҳисобидан мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида вазирнинг маслаҳатларини тингладик. Маъруза тингловчилар учун амалий дастак бўлиши шубҳасиз.

Хирож РАҲМОНОВ, Самарқанд тумани ХТБ Ташхис маркази дефектологи,

Иброҳим ҒОЙИБНАЗАРОВ, Қўшработ тумани ХТБ ходими

МУАММОЛАР АНИҚ, НАВБАТ ЕЧИМГА

Кейинги йилларда техник олий таълим муассасаларида ўқишни истовчи ёшлар камайиб кетмоқда. Атом билан боғлиқ оламшумул кашфиётлар қилинган 50-йилларда физик бўлишни хоҳловчи ёшлар кўпайиб кетган бўлса, коинотшуносликда жаҳоншумул ишлар қилинган. 60-йилларга келиб кўпчилик ёшлар космонавт бўлишни орзу қилишар эди. Ҳозир эса, негадир, кўпчилик ёшлар милиционер ёки юрист бўлишни хоҳлаб қолишди. 1 ўринга нечта даъвогар тўғри келаётганига қараб ҳисобласак, бу борада ижтимоий соҳа пешқадам эканини, иккинчи ўринда тиббиёт, кейин иқтисодиёт соҳалари, шундан сўнггина техник соҳа турганини кўрамиз.

Хўш, нега шундай бўлаяпти, бу муаммони ечиш мумкинми, мумкин бўлса, қандай қилиб?

Яқинда бўлиб ўтган анжуманга шу масалалар туртки бўлди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биносида, «Олий техник таълимни миллий дастур талаблари даражасига кўтарайлик» шиори остида иш бошлаган анжуманни олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов «Юқори малакали инженер-техник кадрлар — давлат ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш омили» мавзусидаги маърузаси билан бошлаб берди. Нотиқ техника олий ўқув юртларига ёшларни жалб қилишда унча-мунча ишлар қилинаётганини, қабул пайтида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаётганини, рақобатбардошлик учун кураш сезилмаётганини айтиб, бу борада ўзининг ўринли таклифларини билдириб, талабаларда соҳа истиқболига ишонч уйғотиш кераклигини таъкидлади.

Тадбирда шунингдек, давлат Тест маркази директори профессор М.Муҳитдинов-нинг «Олий техник таълим соҳалари бўйича талабаликка танловнинг қиёсий таҳлили», А.Абдумаликовнинг «Инженер педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг хусусиятлари», «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Ш.Шомансуровнинг «Республика автомобилсозлик саноати учун олий техник ўқув юртларида тайёрланадиган кадрларга замонавий талаблар ва бунда ишлаб чиқаришнинг ўрни», ТТЕСИ ректори Ҳ.Алимованинг «Техник йўналишдаги кадрлар тайёрлашни Миллий дастур талаби даражасига кўтариш омиллари» каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Бундан ташқари, яна бир қатор долзарб мавзуларда иштирокчилар сўзга чиқиб, ўз муаммолари, уларни ечиш йўл-йўриқлари билан ўртоқлашдилар.

Anjuman

Танаффус пайтида, ТТЕСИ модалар уйида фаолият кўрсатаётган талабалар ижодидан намуналар намойиш қилинди. Иштирокчилар ТТЕСИ қошида Олмониянинг "HEIDELBERG" фирмаси билан ҳамкорликда очилган кичик босмахона фаолияти билан танишдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Олий техник таълимни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари даражасига кўтариш мақсадида республика анжумани тавсиялари ўқиб эшиттирилди.

Яна, олий техник таълимнинг сифатини кўтариш мақсадида айрим техника йўналишлари учун қўшимча ижодий қабул имтиҳонлари жорий этилиши ва талабаликка қабул жараёнида шуларнинг натижалари инобатга олиниши тажрибада синалса, олий техник таълимни миллий дастур талаблари даражасига кўтариш учун катта ишлар қилинган бўлар эди.

Тадбирда иштирок этиш учун республикамизнинг турли вилоятларидан келган мутасадди ходимлар ундан катта таассуротлар олишди. Навоий Давлат кончилик институти ўқув сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Н.Нуримов анжуман ҳақида шундай деди: «Айни долзарб, нозик масалаларни кўтариб чиққан ушбу анжуман ОЎЮда ўқув сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди».

Биз ҳам шундай бўлишидан умидвормиз.

Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

Табиат қўйнида яйрамаган болакай топилмаслиги аниқ. Тошкент шаҳридаги 468 - болалар боғчасида ҳам (суратда) кичкинтойларни она замин бойликларига муҳаббат руҳида тарбиялаш асосий эътиборда бўлмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

БАЗМ ЭМАС, БАЙРАМ БЎЛАДИ

Бугун барча илм масканларида ташкил этиладиган «Битирув кеча»ларида йигит-қизлар илму одоби азиз ўқитувчиларга яна бир бор таъзим қилишади. Сўнгги қўнғироқ» тадбири ўғил-қизлар қалбини бироз ҳадиксираттган бўлса-да, улар «Ҳали олдинда имтиҳонлар бор», дея устозлари кўригидан ўтишга чоғланишган ва ўзларига таскин беришганди. Мана, «Битирув кечаси» тадбири билан юзлашиб турибмиз. Кеча биз мазкур тадбир ўтказилиши арафасида Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 73-мактабда бўлдик. Жамоа кеча тадоригида экан. Мақсадимизни эшитгач, мактаб раҳбари Лутфия Саидова ҳаяжонини яшира олмади:

— Очиғи, ҳар йили битирувчи синф ўқувчиларини мустақил ҳаётга кузатамизу, қалбимиздан бир хўрсинамиз ҳам. Мактабда таълим-тарбия олаётган ҳар бир ўғил-қиз ўз фарзандингдек бўлиб қолар экан. Негаки, 10 йил давомида улар билан бирга ҳамнафас бўласан. Тушунчаларни ўрганаолмай қийналганларида баъзида ранжийсан ҳам, агар улар ўтилган мавзуни бийрон тил билан гапирса, олам нурга тўлиб кетгандек бўлади, гўё сендан бахтиёр инсон йўқ, дунёда!

Мактабимиздаги «Битирув кечаси» Давлат рамзлари билан безатилган «Маърифат ва маънавият" хонасида давра столи шаклида бошланади. Кечага туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими вакиллари, А. Авлоний, «Ўрикзор» маҳаллалари фаоллари, мактабни битирганига 40 ва 20 йил тўлган собиқ ўқувчилар ҳамда фахрий педагоглар ташриф буюришади. Улар ҳам битирувчи 34 нафар йигит-қизларимизни етуклик шаҳодатномаси олганликлари билан табриклашади. Йигит-қизлар устозларига аталган дил сўзларини изҳор қиладилар, қўй-қўшиқлар ижро этадилар. Мактаб дастаси даврага янада файз киритади.

Шундай онларда ўқитувчилардан Марҳаматхон Абдурахмонова, Турсуной Аҳмедова ва бошқа кўплаб жонкуяр ўқитувчиларнинг ўғил-қизларга билим бериш йўлидаги заҳматларини, битирувчи синф ўқувчиларидан Нилуфар Нуриддинова, Азамат Абдуллаев, Мукаррам Содиқоваларнинг билим олишга интилишларини алоҳида қайд этгим келади.

Тантанали қисм тугагандан кейин битирувчилар Абдулла Авлоний маҳалласидаги Ҳотира ва қадрлаш музейига ташриф буюришади. Биргаликда Тошкентнинг энг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади, «Амир Темур ва темурийлар тарихи Давлат музейи»га боришади.

Бугун худди шу йўсиндаги «Битирув кечалари» республикамизнинг барча мактабларида байрам тусини олади. Битирувчилар «Сизга таъзим, азиз муаллим!», «Эҳтиромим қабул айланг!», «Мактабимиз бир умр қалбимизда», «Ҳар йил келиб мактабимизга эҳтиромимизни билдирамиз», «Хайр, қадрдон мактаб!» каби сўзлар билан яна бир бор эҳтиромларини изҳор этишади, мустақил ҳаётга қадам босишади. Устозлари эса уларни «Оқ йўл, фарзандларим!» дея меҳр билан кузатиб қоладилар.

Қ. МАТҚУРБОНОВ

Anjuman

ҲАМКОРЛИК ПИРОВАРДИ

Яқинда ЎзДЖТУнинг роман филологияси факультетида Испаниянинг Гранада университети мутахассислари томонидан илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда Испаниянинг Гранада университети Замонавий Тиллар Маркази ходимлари ЎзДЖТУ да фаолият кўрсатаётган Испан тили ва маданияти маркази ходимларига, испан тилини ўрганаётган ўзбек талабаларига ва республикамизнинг турли ҳудудларидан келган шу тил ўқитувчиларига ҳозирги замон испан тили ва маданиятидан дарс бердилар. Мазкур семинарнинг ёпилиш маросими ЎзДЖТУ тантаналар залида ўзгача тароват билан ўтказилди. Олийгоҳ вакиллари, семинар қатнашчилари, испаниялик меҳмонлар сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларини қутладилар, хайрлашув олдидан бир-бирларига дил изҳорларини ифода қилдилар. Маросим сўнгида семинар иштирокчиларига сертификатлар топширилди. Меҳмонлар ва мезбонлар ўзаро эсдалик совғалари алмашишди.

– Дарслар биз учун қизиқарли ва самарали ўтди, – дейди ЎзДЖТУнинг семинар сертификатини қўлга киритган талабаларидан бири Ҳ. Аҳмедов.

— Айниқса, семинар давомида ҳозирги замон испан адабиёти, санъати, жамияти тўғрисидаги энг янги маълумотлар билан танишганимиз бизнинг кейинги иш фаолиятимизда жуда қўл келади, – дейди узоқ Сурхондарёдан келиб, семинар дарсларида иштирок этган испан тили ўқитувчиси С. Раҳимов.

Семинар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун унинг ташкил этилишида асосий ўрин тутган ташаббускорлардан бири, ЎзДЖТУ ректорининг хорижий алоқалар бўйича ўринбосари Гуландом Боқиевани суҳбатга тортамиз.

— Бугунги семинар испаниялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликнинг иккинчи босқичи меваларидан десам янглишмасам керак. Биринчи босқичда Испанияга бориб, у ердаги олийгоҳлар билан танишиб, ўзаро муносабатлар тўғрисида Меморандум имзолаган эдик. Бунинг натижасида, ўтган йили университетимизда испан тили ва маданияти маркази ишга тушди. Бир қанча талабаларимиз ва ўқитувчиларимиз Испанияда малака ошириб келишди, баъзилари ҳозир ҳам ўша мамлакатда таҳсил олмоқдалар. Яқинда олийгоҳимизнинг испан тили мутахассислари Испаниянинг Малага, Гранада, Алкала де Энарис университетларида бўлиб, испан ҳамкасблари билан янги-янги битимлар тузиб қайтдилар. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида яна бир муҳим грантни қўлга киритдик ва испаниялик ҳамкорларимиз ўз ҳисобларидан мутахассислларни юртимизга юбориб, мана шу семинарни ўтказадиган бўлишди. Ўзбекистонда 1961 йилдан бери испан тили ўқитилаётганлигига қарамасдан шу пайтгача биронта йирикроқ ўзбекча луғат яратилмаган эди. Энди эса, испан ҳамкорларимиз 40 000 сўзлик испанча-ўзбекча луғатни ишлаб чиқиб, нашр эттиришни ҳам ўз ҳисобларидан амалга оширадиган бўлишди. Ҳозирда ушбу сўзлашгич устида 2 нафар испаниялик ва 4 нафар бизнинг мутахассисларимиз иш олиб боришмоқда.

Ўқув юртимизда Испания олийгоҳлари ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани шубҳасиз. Мисол учун, яқиндагина шу мамлакатдаги Алкала де Энарис университетининг журналистика факультети билан ўзаро муносабатлар тўғрисида Меморандум имзолаб келдик. Ўйлаймизки, бу ҳужжат олийгоҳимизда келаси, 1999-2000 ўқув йилидан иш бошлайдиган халқаро журналистика факультетининг испан олийгоҳлари билан бўладиган ҳамкорлиги тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик доираси янада кенгаймоқда. Бу эса юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида танила боришида муҳим ўрин тутади.

Азиза ҚОРАБОЕВА

Maxsus ta'lim

САВОБ ИШНИНГ САЛМОҒИ

Аслида оламда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма унсурлар ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдиради, борлиқ шундай уйғунликда барқарордир.Бу уйғунликда яхшиликнинг ўрни беқиёс, албатта.

Аждодларимиздан мерос фазилат яъни, бизнинг тафаккуримизга ёшлигимиздан сингдириладиган тушунча — бу инсонга яхшиликни соғинмоқ. Одамдан одамга ана шу яхшилик қолади, бировга, хусусан ўзгаларга қилинган ғамхўрлик, кўрсатилган меҳр-оқибат қолади. Бир қараганда бу оддий сўздай, даъватдай туюлади-ю, бироқ унда инсон буюклигининг рамзи айни шу сўз амалидадир.

Шу маънода, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 96-махсус мактаб-интернатининг ташкил этилишида жуда катта ижтимоий маъно бор. Муҳим аъзолардаги қусурлар туфайли заиф эшитувчи болаларни махсус таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишда муайян қийинчиликлар туғилади. Мактаб-интернат заиф эшитувчи болаларни тарбиялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида, ўзига хос меҳр-оқибат марказига айланган. Мактаб-интернат ташкил этилганидан бери унда 350 бола тарбия олди. Уларнинг айримлари махсус билим юртларини битказиб, касб-ҳунарли кишилар бўлиб етишди.

Мактаб-интернатимизнинг фаолияти ўз ички имкониятлари доирасида, аниқ режалар асосида олиб борилади. Режалар Республика Халқ таълими вазирлиги кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, унинг бажарилишини таъминлаш билан мактаб-интернат маъмурияти шуғулланади. Жумладан, заиф эшитувчи болаларга қўл ишоралари орқали сўзлашув малакасини ўргатиш, мустаҳкамлаш, айрим сўзларни, товушларни талаффуз қилиш, гаплар тузиш, маълум бир касбни ўргатиш каби ишлар бошида тарбиячи-ўқитувчилар туради.

Биз бажарадиган иш билан деҳқон меҳнатининг орасида муштарак жиҳатлар кўп. Деҳқон кун санайди, кеч экилган экиндан эса умид қилмайди. Шундайин бизнинг жамоа ишида ҳам кечикилса натижа қаноатланарли бўлмайди. Шу боисдан ҳам болаларни синфда, синфдан ташқарида ўтказиладиган турли тадбирларда иштирокини ўз вақтида таъминлаб, талаффузи, тарбияси, билимига таъсир ўтказиш йўлларини кўзлаймиз. Турли кечалар, учрашувлар, анъанавий байрамлар, қизиқарли кўргазмалар бу борада қўл келади.

Мактаб-интернат жамоаси эришаётган ютуқлар замирида режаларни, истиқболли йўналишларни олдиндан белгилаш, яратилган қулай шароит ётибди. Жамоанинг янги режаларида вилоятимизда биронта ногирон бола таълим-тарбиядан четда қолмаслиги кўзда тутилган. Кар ва заиф эшитиши сабабли мактабга жалб этилмаган ёки махсус мактаб-интернатларда таълим, ҳунар ўрганмаган бола умр бўйи азобланиб ўтади. Шуни назарда тутиб, жамоамиз вилоятнинг барча туманлари, шаҳарларида кар ва заиф эшитувчи болаларни рўйхатга олишни бошлади. Бундан ташқари, мактаб-интернатдаги мавжуд касблар турини кенгайтириш, ишлаб чиқиш корхонаси фаолиятини яхшилаш чораларини кўраяпмиз. Давлат ва ҳомий ташкилотлар кўмагида бу масалани ҳал этиш имконияти бор.

Йиллар ўтади... Яхшилик қилган кишидан мурувват, холисона ҳамдардлик, хизмат туфайли кўрсатилган эзгулик қолади. Эзгулик билан экилган яхшилик уруғи ҳеч қачон унутилмайди, унинг салмоғи эса умрларга татийди.

Худойназар ҚИЛИЧЕВ,
Урганч шаҳридаги
96-махсус мактаб-интернат директори

Pedagogik texnologiya

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАНУВЧАНЛИГИ

(бешинчи мақола)

Педагог бўлганим учунми, ҳар қалай ўқувчилик йилларим, ўқитувчиларим, синфдошларим тез-тез кўз олдимда намоён бўлади. Орадан роппа-роса ўттиз йил ўтаяпти... Мактаб кўнғироғи чалиниши билан ҳар куни синфлар минглаб ўқувчиларни ўзига чорлайди. Мана улар мактаб йўлаги бўйлаб дадил юриб келишяпти, синф эшиги сим-сим очилади-ю ва ... улкан сирли ҳаёт бошланади. Унинг номи – педагогик фаолият, педагогик ижод.

Бугун "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ижодий педагогикага, ижодкор ўқитувчига эҳтиёж ниҳоятда ортиб боряпти. Ажойиб мактаб қурилиши мумкин, ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан безатилиши мумкин, янги ўқув дарсликлари нашр қилиниши мумкин, лекин буларнинг ҳаммаси ҳали етарли эмас. Мактабга ҳақиқий педагог, ўқитувчи – шахс кириб келгандагина улар жонланади, ижодий педагогиканинг машъаласи ёқилади, педагогик назария ва тизимлар, кўргазмали қўлланмалар ҳаракатга келади.

Ижодий педагогик фаолият – бу инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга йўналтирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Психологик-педагогик адабиётларда педагогик фаолият турлари (таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, сафарбарлик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик, коммуникатив ва бошқа) қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан биргаликда педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги билан ажралиб туради, унга ижтимоий буюртма узлуксиз таъсир кўрсатади.

Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам бевосита ўқитувчидан ижодкорона фаолиятни, қолаверса, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини талаб этади. Модомики, технология мавжуд экан, уни таълим-тарбияга сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кечиши мумкин деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ: у, шаксиз, педагогик корхонада – педагогик ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради. Таниқли педагоглардан бири таъкидлаганидек, «бизнинг педагогик ишлаб чиқариш ҳеч қачон технологик мантиқ бўйича қурилмаган, аксинча ҳар доим ахлоқий ваъз (насиҳат) мантиқи бўйича қурилган. Шу сабабдан таълимда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим бўлимлари шунчалик иштироксиз қоляпти». Ушбу мақоланинг вужудга келиш сабабларидан бири ҳам ана шу ҳолат.

Эндиликда педагогик атамалар таркибига «технология», «операция», «ишлаш қобилияти», «техник назорат», «допуск» (ўлчам фарқи) каби қатор тушунчаларни киритиш, уларнинг педагогик талқинини яратиш ва бевосита ўқитиш жараёнида қўллаш кунлик заруратга айланмоғи даркор. Замонавий ўқитувчи фаолияти эса билимларни узатувчи оддий методист сифатида эмас, балки «ўқитувчи-технолог» нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Технология – бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қилган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир. «Технология» тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб назариячи олимлар ва ўқитувчиларни янгича тафаккурлашга, эркин ижод қилишга ундайди:

— самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;

— уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар илмий асосда қуриш;

— талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;

— ўқитиш давомида тўсиқларни тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиш;

— таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш;

— техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш ва бошқалар.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос амалиётлардан иборат бўлади.

Амалиёт — ўқитувчининг синфда мавзу бўйича ўқув унсурларини тушунтириш мақсадида бажарган ишлари йиғиндиси бўлиб, ўқитиш жараёнининг ушбу босқичида тугалланган қисмни ташкил этади. Агар ўқув фанининг ҳар бир мавзуси алоҳида босқич ҳисобланса, шу мавзу бўйича ўқув элементларининг ҳар бири алоҳида амалиёт сифатида қаралиши мумкин. Амалиёт технология асосини ташкил этиб, таълим мақсадини режалаштиришда ва амалга оширишда эътиборга олинадиган асосий унсур ҳисобланади. Амалиётлар бир қатор усуллардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаракатларга бўлинади. Бошқача қилиб айтганда, бирор бир ўқув унсурини тушунтириш учун ўқитувчи самарали таълим воситалари, методларидан фойдаланиш давомида у ёки бу алгоритмик ҳаракатни мақсадга мос ҳолда аниқ бажаради.

Техник назорат — ўқитувчи (лаборант) фаолиятига тегишли вазифа бўлиб, технологияда иштирок этаётган воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаш ва баҳолашдир. Бинобарин, қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник (ёки кўргазмали қуроллар, тренажерлар ва бошқа) воситаларини машғулот олдидан тайёрлаш ёки ишлатиш жараёнида ўзгарадиган хусусиятларини белгилаб олиш таълим жараёнининг бир маромда, узлуксиз давом этишини, вақтдан самарали фойдаланишни кафолатлайди. Вақт ўтиши билан у ёки бу техник восита кўрсаткичлари ўзгариши, паспортида кўрсатилган миқдордан фарқланиши мумкин. Шу боисдан допуск тушунчаси технологияда қўлланилади.

Допуск – энг катта ва энг кичик чекли ўлчамлар орасидаги фарқ, — ўлчовдир. Дидактик жараёнда фойдаланилаётган ҳар бир техник восита учун допуск майдони – ишлатиш чегараси мавжуд бўлади. Агар шу чегара бузилса педагогик технология сифатига путур етади ёки кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, ўқитишнинг техник воситасини яроқли ҳолга келтириш чоралари кўрилади.

Допуск тушунчасига шунингдек, рейтинг тизимида ҳам дуч келишимиз мумкин. Ўқувчи (талаба) билимини баҳолашда чекли баллар миқдори келтирилади: «ўрта» — 55-64,5; «юқори» — 65-85,9, «жуда юқори» — 86-100.

Ўқитувчи фаолияти тавсифномасида «технологияланувчанлик» ўзига хос янги тушунча сифатида ўз ўрнини топиши керак. У таълим жараёнининг самарадорлигини, мақбуллигини, илмийлигини, янги сифат даражасига кўтарилганлигини белгилаб беради. Ёхуд технологияланувчанлик – бу педагогик жараённинг техникавий қуролланганлигини ёки инструменталлик даражасини белгиловчи тик кўрсаткичдир.

Технологияда олдиндан белгиланган мақсадга тўлиқ мос келадиган натижаларни таъминловчи предметли соҳанинг объектив қонунлари ўз ифодасини топади. Бироқ педагогик фаолиятнинг технологик жиҳатлари (техникавий ёки бошқа материалли фаолиятдан фарқланувчи) шахс сифат кўрсаткичларидан, унинг мағзи эса ҳаяжонли-ахлоқий тажриба унсурларидан айри ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Педагогик технология моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки у ҳам «шерик»лари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум «материал» билан иш кўради. Бироқ у инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, тиббиёт ҳатто ахборот технологияларидан ажралиб туради. Унинг ўзига хос жиҳати – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир. Демак, технология самарадорлиги инсоннинг кўпқирали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўлиши, психологик-касбий жиҳатлари, келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олиниши каби масалаларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожланиш босқичларини лойиҳалаш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса ўқитувчининг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Ўқитувчининг белгиланган таълим (тарбия) вазифаларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар доирасида бажариши **ишлаш қобилияти** деб аталиши мумкин. Бинобарин, у ёки бу фан ўқитувчисининг маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти давлат таълим стандартлари талабларига ва педагогик шартларга нечоғлик мос келиши назарда тутилади.

Ижодкор ўқитувчи учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич эса, бу биринчи навбатда педагогик жараёнда ўз ўрнини бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб етишидир. Педагог воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Педагогик фаолиятга кириб келаётган ҳар бир инсон ўзининг унга мосланувчанлигини, қолаверса «инсон-инсон» кўринишдаги касблар тизими (педагогик меҳнат)га лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак. Бу сифатни аниқлаш йўллари хилма-хил. Мисол тариқасида қуйидаги тайёр тестни тавсия этиш мумкин:

1. Бошқалар сизни мулоқотда хафа қилиб қўядиган, озор берадиган шахс деб ҳисоблайдими?

2. Сизнинг дилингизда мулоқот жараёнидаги эҳтиросларидан ҳосил бўлган хафагарчилик ёки хурсандчиликлар узоқ сақланиб турадими?

3. Кайфиятингизда кўтарилиш ёки тушиш ҳоллари тез-тез бўлиб турадими?

4. Танқиддан оғир ва узоқ азият чекасизми?

5. Сизни шовқин, қувноқ гуруҳ кучли чарчатадими?

6. Янги одамлар билан танишаётганингизда ўзингизда сезиларли даражада ноқулайлик, уялиш ҳолатлари кечадими?

7. У ёки бу ҳақда ўзга одамлардан сўрагандан кўра китоблардан билиб олишингиз енгил ва ёқимлими?

8. Ёлғиз дам олишни, жимжитликда бўлишни тез-тез истаб турасизми?

9. Мулоқот жараёнида керакли сўзларни узоқ қидирасизми?

10. Сиз кенг даврада янги танишувдан кўра доимий таниш бўлган кичик гуруҳни хоҳлайсизми?

Агар жавоблар кўпчилик саволларга «Ҳа» тарзда бўлса, очиғи, педагогик фаолият осон кечмайди. Ўқитувчи касбий-шахсий тарбия ишлари соҳасида кўп меҳнат қилиши керак бўлади. Энг муҳими, хусусий педагогик фаолият моҳиятини, аҳамиятини ва мақсадини тушуниб етиш, доимий равишда жорий ўқитиш вазифаларини истиқболлари билан бирга олиб боришни уддалаши керак. Агар шу қобилият ўқитувчида йўқ бўлса, у яхшигина «бажарувчи» бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ижодкорлик поғонасига кўтарила олмайди.

Педагогик технология эса доимо таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун – ижодий фаолиятни талаб этади. Хўш, ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлик даражаси қандай мезонлар билан ўлчанади? Фикримизча, бундай мезонлар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

— ўрнатилган мақсаднинг ташхисланувчанлиги — ўқувчи (талаба) томонидан дидактик жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амалиётлар, фаолият турлари;

— таълим мазмунини ўқув унсурлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштирилиш даражасининг ҳисобга олиниши;

— ўқув материалларни ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантиқий **қатъиянлиги** – дидактик жараён структурасига мослиги;

— ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши;

— ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши;

— ўқувчи (талаба) ва ўқитувчи фаолиятида шахсий-мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий ва касбий моҳият ва бошқалар);

— ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Ўйлаймизки, бу кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалга жорий этилиши эса, ўқитувчини юқори малакали мутахассиса айлантиради. Ўқувчи (талаба)нинг янги қирраларини очади. Шу билан биргаликда таклиф этилганлар «ҳақиқатнинг охирги бекати» деган фикрдан узоқмиз, чунки педагогик технологияни лойиҳалаш шунчалик мураккаб жараёнки, у ҳар бир таълим тури, қолаверса, ҳар бир фан учун ўзига хос ижодкорликни талаб этади.

Агар ўз педагогик фаолиятингизнинг ушбу мезонларга мос келишини таъминлаётган бўлсангиз, шубҳасиз, Сиз лойиҳа муаллифисиз. Энди методист-ўқитувчиликдан «педагог-технолог» даражасига кўтарилдингиз. Шундай янги касбий фаолият ҳар бирингизга насиб этсин.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
М. Улуғбек номидаги ТошДУ Олий педагогика институти педагогика ва психология кафедраси мудири

«БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР»

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот республика маркази раҳбарлигида маданиятимизнинг кўрки – урф одатларимиз, удумларимизни ўзида мужассам этган «Барҳаёт анъаналар» рисоласи нашрдан чиқарилди. Тошкент давлат маданият институтининг «Маънавият ва маърифат» маркази бўлимининг бошлиғи, филология фанлари номзоди Саодатхон Йўлдошева муаллифлик қилган бу рисола мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари, маданий маскан ходимлари ва бошқа қизиқувчиларга мўлжалланган. Унда ўзбек халқининг гўзал удумларидан бири «Мучал тўйларини» ўтказиш қоидалари, йўл-йўриқлари, унутилиб кетаётган бу урф-одатларимизни халқимиз орасида яна тиклаш ҳақида сўз боради.

Маънавиятимизнинг ажойиб сарчашмаси бўлган унутилмас анъаналаримизни ўсиб келаётган авлодга етказишда қўлланманинг алоҳида ўрни бор. Рисола ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир этиш билан бирга удумларимизни қайта тикланишига, унинг қадр қимматини билишга ва эъзозлашга чақиради. У бизнинг ўтмишдаги маънавий салоҳиятимиз нақадар ранг-баранг, сержило, теран мазмунли эканлигини ўқувчига уқтиришга ҳаракат қилади. Халқ қўшиқлари, айтимлари асосида яратилган бу китоб ўз мухлисларига эга бўлади, деган умиддамиз.

Шаҳноза ШОМИРЗАЕВА

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 16 июнь сонида эълон қилинган (7 саҳифа) "Қадимдан бугунга қадар" сарлавҳали мақоланинг ўнинчи хатбошиси, олтинчи қаторидаги «таназзули тараққиётига" деган ибора «тамаддуни тараққиётига» деб ўқилсин.

Шу мақоланинг ўн биринчи хатбошиси, учинчи қаторидаги «11 минг» сўзи «II минг» деб ўқилсин.

ЭКОЛОГИЯ МУАММОСИ ЎҚУВЧИЛАР НИГОҲИДА



Яқинда Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси ташаббуси билан «Бутун дунё табиатни муҳофаза қилиш куни»га бағишлаб, «Табиат: кеча,бугун,эртага» дастури доирасида VI илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида мазкур анжуманнинг кўргазмаси очилди. Бу кўргазмадаТошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидан келган ўқувчи ёшлар «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» тўгаракларида қилган ишлари намуналари билан қатнашишди. Энг яхши ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан I, II, III ўринларга лойиқ деб топилди ва уларнинг муаллифлари Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси таъсис этган совринлари билан тақдирландилар.

Сўнг «Биоэкосан» ўқув - услубий мажмуаси биноси мажлислар залида анжуман ўз ишини давом эттирди. Анжуманни республика халқ таълими вазири ўринбосари Й. Саиджонов кириш сўзи билан очиб бергач, республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси директори, проф. Э. Турдиқулов сўзга чиқиб, дастурнинг айнан «Табиат: кеча, бугун, эртага» деб номланишини тушунтириб берди.

Кунинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, экологияга оид турли мавзуларда мунозараларни давом эттирдилар.

Ўйлаймизки, мазкур тадбир республикамиз ёшларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ишлари ривожида муҳим ўрин тутади.

Абдумалик МЎМИНОВ,
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти аъзоси

Pazanda maslahati

КЎЗИМ АЧИШМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Мукаддас Мўминованинг «Пазандалик сирлари» қўлланмаси 1995 йилда нашр этилган. «Ўқитувчи» нашриётининг бу маҳсулоти педагогика билим юртларининг ўқувчилари ва мехнат таълими ўқитувчилари учун қўлланмадир. «Пазандачилик сирлари» уй бекаларига рўзғор юритишда ҳам қўл келиши аниқ. Лекин бу китобча ҳамма уй бекаларида ҳам бор эмас. Шуни назарда туттан ҳолда, Мукаддас Мўминованинг маслаҳатларидан бир шингилини уй бекаларига тортиқ этамиз.

* * *

Арчилган картошка анча вақт сувга солиб қўйилса, таркибидаги крахмал, «С» дармондориси қисман сувга чиқиб кетади.

* * *

Бодринг, редиска, помидор янги сабзи ва бошқа сабзавотларни арчимай истеъмол қилиш керак. Улар тез ҳазм бўлади ва кўпроқ фойда беради.

* * *

Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, укроп ва ҳоказоларни сиркали сувга ботириб қўйсангиз, «тирилиб» кетади.

* * *

Картошка котлетига озгина ичимлик содаси қўшилса, котлет қавариб юмшоқ пишади.

* * *

Пичоқни бир оз сувлаб пиёз тўғрасангиз, кўзингиз ачишмайди.

* * *

Анор кесганингизда ва картошка арчиганингиздан сўнг қўлингиз қорайиб, доғ бўлиб қолмаслиги учун дарҳол совуқ сувда совунлаб ювинг.

* * *

Шўр бўлиб кетган овқатга 2 -3 та хом картошка солсангиз, шўрни ўзига тортиб олади.

* * *

Музлатилган ёки тузланган балиқнинг сифатини аниқлаш учун унга иссиқ пичоқ ёки ошпаз сихи санчиб кўрилади. Бадбўй ҳид чиқса, демак, сифати ёмон бўлади.

* * *

Янги балиқнинг тангаси яхши ёпишиб туради, териси қаттиқ, кўзлари ялтироқ, ойқулоғи қизил бўлади. Уринган балиқнинг юзаси шилимшиқли, кўзлари ичига ботган, хира, ойқулоғи оқарган, сувга солинса чўкади, янги балиқ эса чўкмайди.

* * *

Балиқни бир неча секунд қайнаб турган сувга солинса, тангалари осон кўчади.

* * *

Балиқни (треска, денгиз окуни, камбала) сирка қўшилган совуқ сувда 2 -3 соат сақлаб турилса, ўзига хос ҳидини йўқотади.

* * *

Балиқ бўлакларига туз сепиб, 10-15 дақиқа қўйиб қўйсангиз, қовураётганда майдаланиб кетмайди.

* * *

Балиқни қовуришдан олдин 15-20 дақиқа лимон шарбати, ўсимлик мойи, туз, пиёз ва кўкат аралашмасига солиб қўйилса, таъми яхши бўлади.

* * *

Қовуриладиган гўшт ва қиймани барвақт тузлаб қўйилса, уларнинг сели чиқиб кетади ва сифати бузилади.

* * *

Қари молнинг гўшти тез пишиши учун сувга бир қошиқ сирка ёки лимон суви қўйиш керак.

* * *

Гўштни духовкада пиширишда устига вақти - вақти билан қошиқ билан иссиқ шўрва ёки қайноқ сув қуйиб туриш лозим.

* * *

Жигарни пиширишда туз сепилмайди, акс ҳолда у қаттиқ бўлиб қолади. Таом пишганидан сўнг туз сепилади.

* * *

Гўштни пиширишдан олдин совуқ сувда ювилади.

* * *

Гўштқиймалагични сода солинган иссиқ сув билан ювиб, тоза сувда чайиш, қисмларини обдон қуриганидан кейин йиғиб, қуруқ жойга қўйиш керак.

* * *

Қовурилган ёки пиширилган гўшт ва балиқ узоқ вақт туриб қолса, мазаси ўзгаради, сифати бузилади. Шунинг учун улар тайёр бўлиши билан дастурхонга тортилади.

Xullas...

ҚАЛТИС ҲОЛАТДА ПУЛ ИШЛАШ

Тирикчилик тошдан қаттиқ.

Пул ишлаб топиш йўлида одамлар не бир ишларга қўл уришмайди. Кимдир тиланчилик қилади, бошқаси ҳаммол, учинчи бир киши савдога ўзини урган. Минглаб одамлар эса идора ва муассасаларда маошга ишлайдилар.

Челябинскда тарбияси қийинлашган болалар пул ишлаб топишнинг антиқа усулини қўллашмоқда. Ўртача тезлик билан кетаётган машиналарнинг йўлида ётиб олган ўсмирлар ҳайдовчидан пул талаб қилишади. Ахир қайси шофёр кўра-била туриб фожиага қўл урадi? Ҳар ким ҳимматига яраша пулдан чўзиб қўйишга мажбур.

Ҳайдовчилардан бири буни хоҳламай, машинани тўхтатмади. Жон ширин кўринган болакай, ўзини очиқ майдончага отди. Эҳтиётсизликдан талоғи ёрилди. Яшин тезлигида воқеа содир бўлган жойга етиб келган миршаблар ҳайдовчида айб йўқлигини эътироф этишди.

400 МИНГ ЙИЛ ИЛГАРИ

Одамзотнинг ов билан шуғуллана бошлаганини бундан 40-50 минг йил аввалги ўтмишга боғлашарди.

Яқинда Германиянинг шимолий қисмидаги тупроқ қатламларида ковлаб топилган ов қуроллари бу тахминни инкор этди. Аъло даражада сақланган учта найза, одамларнинг ов билан бундан 400 минг йил илгари шуғулланганини билдиради.

Найзалар 1,80 ва 2,30 метр узунликда бўлиб, ҳайвон билан овчи ўртасидаги масофани сақлашга қулай бўлган. Тош қуроллар, гулхан қолдиқлари ҳам археологларнинг тахминларини исботлайди.

Тадқиқотлар давом этмоқда, деб хабар беради бу мамлакатда чиқадиган «Дисковер» журнали.

КЎЗИ ОЖИЗЛАРГА СОВҒА

Бошқирдистон кутубхонасига буюк шоир Пушкиннинг 200 йиллиги арафасида ажойиб совға келтирилди. Кўрлар ва кўзи ожизлар учун мўлжалланган бу туҳфа китоб эмас, балки шоир асарларининг магнит тасмасидаги ёзувидир. Бутунроссия кўрлар жамиятининг раиси Николай Мельниковнинг таъкидлашича, тасмадаги ёзувлар бошқирд тилида. «Капитан қизи» ва эртаклар матнини бошқирд артистлари ўқишган.

ЕТТИ ДОНА КАРТОШКАГА ЖАРИМА

Картошкани ашаддий севувчилар ҳам бор. Янги Зеландияда истиқомат қилувчи 77 яшар ирландиялик етти дона картошкани чегарадан олиб ўтмоқчи бўлганида қўлга тушди. Чунки Янги Зеландияда ўзга давлатлардан сабзавот ва мевалар билан кириб келадиган турли хил касалликларни таъқиқловчи тартиб ҳукмрон. Ирландиялик эса бундай қонун борлигини билса ҳам ўзининг картошкага бўлган ишқибозлигини сўндира олмай, «контрабанда» йўли билан олиб ўтмоқчи эди. Бу қилмиши учун у 760 доллар жарима тўлашга мажбур бўлди. Бундан аввалроқ эса бошқа янги зеландиялик 3 дона олмани олиб ўтмоқчи бўлганда, 1160 доллар жарима тўлаб, бор-будидан айрилганди.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 19-Чирчиқ ҳунартехника билим юрти томонидан 1980 йилда Рунова Людмила Станиславовнанинг номига берилган № 6190 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва хорижий филология факультети деканати инглиз филологияси кафедраси катта ўқитувчиси Барно Тураповага турмуш ўртоғи **Эркин ТУРАПОВ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

ЖАҲОН БЎЙЛАБ ВЕЛОСИПЕДДА

1998 йил 2 сентябрь куни велосипедда жаҳон бўйлаб саёҳатга чиққан ҳамюртимиз Мурод Қосимов 7 ой мобайнида 13 та мамлакат ҳудудидан ўтиб, Ватанимизга қайтиб келди. Жами 12500 км дан зиёд масофани қувончли ва таҳликали дамларда босиб ўтган довюрак спортчимиз Ўзбекистон номини дунёга танитишда ўзига хос ҳисса қўшди.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда 9 кун мобайнида қизғин беллашувлар билан ўтказилган "TASHKENT OPEN" халқаро аёллар теннис мусобақаси ишқибозларига олам-олам қувонч бахш этди. Мусобақанинг финал учрашувида исроиллик Анна Смашнова ва бельгиялик Лоренс Куртуалар ўзаро куч синашдилар. Икки спортчининг мўъжизакор ўйини натижасида бош соврин исроиллик теннисчига насиб этди.

ОММАВИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

Шу йилнинг 20 июнь куни Навоий номидаги миллий боғда 7-Бутунўзбек олимпиа югуриш кунининг Республика финал мусобақалари бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон республикаси, ватанимиз вилоятлари, Тошкент шаҳри терма жамолари ва хорижий мамлакат элчихоналари ходимлари иштирок этадилар.

ҲЕНАШЕВ - ЧЕМПИОН

Наманганда шоҳмот бўйича Ўзбекистон 64-чемпионати якунланди. Бу йил "64 катак"даги муҳорабалар бўйича Александр Ненашев чемпионликни қўлга киритди. Биринчиликка асосий даъвогарлардан бўлган Рустам Қосимжонов иккинчи, Тоҳир Воҳидов эса учинчи ўринни эгаллашга мувофиқ бўлдилар.

БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС...

Истиқлолимизнинг 8 йиллиги ва Матбуотчилар куни муносабати билан ўтказилаётган мини футбол бўйича журналистлар ўртасидаги мусобақалар авжига чиқмоқда. Севимли газетангиз "Маърифат" жамоаси 17 июнь куни "Ислом нури" газетаси футболчиларини 6:2 ҳисоби билан мағлубиятга учратди. Ўйинлар Юнусобод туманидаги Матонат маҳалласида бўлиб ўтмоқда.

ШОҲМОТ САНЪАТИ ҲАҚИДА





Шоҳмот санъати катта мантиқий кучга эга. У сеҳрли мўъжизаси билан сизни қамраб олади. Доналарни суриб ўйнар экансиз, худди мусаввир, шоир ва бастакор каби ўзингизни, бутун вужудингизни ижод қилишга йўналтирасиз. Ўйиннинг эстетик таъсир кучи реал нарсани тасвирлайди, инсон тафаккурининг ижодий - мантиқий томонларини кўрсатиб беради. Худди тасвирий санъат каби, шоҳмот ўйини ҳам ўз ғояларини, гўзаллигини мухлисига намоён қилади.

Шу билан бир қаторда, шоҳмот таҳлили ҳам санъат ҳисобланади. Худди шоҳмот композициясидаги каби, таҳлилий мушоҳада ҳам ёлғизликда ижод қилинади ва у вақт билан чегараланмайди, уни спортдагидек натижа қизиқтирмайди. Шуниси эътиборга моликки, айни таҳлил жараёнида топилган янги йўналиш кейинчалик ўйин пайтида шиддатли ҳужумни келтириб чиқариши , томошабин ва ҳакамни беихтиёр ҳаяжонга солиши, қарсак чалишга мажбур этиши мумкин. Шоҳмотнинг гўзаллиги унинг жозибадор, эътиборни жалб қилувчи кучидадир.

Айниқса, буюк шоҳмотчилар ўйинини кузатиб турсак, ёки таҳлил қилсак, улар ижод қилган сирли, мўъжизали юришларни кўриб, «ё тавба» деб ёқамизни ушлаймиз.

Чех гроссмейстери ва назариётчиси Р.Рети 1924 йил чоп эттирган «Шоҳмот ўйинидаги янги ғоялар» китобида «Бундан 100 йил олдин шоҳмот ҳеч шубҳасиз фақат ўйиндан иборат эди, аммо биз энди янгидан туғилган ва ривожланаётган санъатга эгамиз», дея бежиз айтмаганди. Шоҳмот ҳақида яна фалсафа ва математика фанлари доктори, шоҳмот бўйича жаҳон чемпионлиги тожини 27 йил мобайнида ҳеч кимга бермаган Эммануил Ласкер бундай деган эди: "Шоҳмот ўйинида асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шоҳмот ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулотдир. У тинимсиз фаолият сифатида руҳиятингни шакллантиради, ўз ишингга танқидий назардан қараш ва баҳолашда холис бўлишга ўргатади». Бу каби руҳий фазилатлар эса ҳар бир зиёли инсон шахсиятининг безаги бўла олади. Шундай экан, ҳурматли, «Маърифат»нинг маърифатли мухлислари, сизларнинг эътиборингизга қуйидаги икки масалани ҳавола қиламиз. Уларни ечишга, таҳлил қилишга бир уриниб кўринг-чи. Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

Анвар ИНОҚОВ,
шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод, журналист

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги

«Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» Лойиҳаси

MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Basic Education Textbook Development Project
ADB Loans Nos. 1594/1595 (SF)-UZB

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Осиё Ривожланиш Банки Халқаро битимига асосан, «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ташкилий ва изланиш ишларини олиб бориш учун маҳаллий консультантлар учун қуйидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Табиий фанлар бўйича /география/ ўқув дастурларини яратиш - 1 киши (4 ойга).
2. Математика бўйича ўқув дастурларини яратиш — 1 киши (4 ойга).
3. Инглиз тили бўйича ўқув дастурларини яратиш — 1 киши (4 ойга).
4. Компьютер таълими бўйича ўқув дастурларини яратиш —1 киши (4 ойга).
5. Иқтисодий таълим бўйича ўқув дастурларини яратиш — 1 киши (4 ойга).
6. Атроф-муҳитни сақлаш таълими бўйича ўқув дастурларини яратиш — 1 киши (4 ойга).
7. Қўлёзмаларни такомиллаштириш, компьютер дизайни ва таҳрири —2 киши (ҳар бирига 1 ойдан).
8. Дарсликлар матнларида ва тасвирларда аёллар ўрни (Гендер муаммолари) — 1 киши (2 ойга).
9. Муаллифларга қалам ҳақи тўлаш тизимини такомиллаштириш —1 киши (2 ойга).
10. Дарсликлар дизайни бўйича изланишлар — 1 киши (2 ойга).
11. Ўқитиш методикаси — 5 киши (ҳар бирига 5 ойдан).
12. Дарсликларни нашр этиш ва таъминлаш тизимини такомиллаштириш — 2 киши (ҳар бирига 3 ойдан).

Номзодларга қўйиладиган талаблар:
- олий махсус маълумот;
- умумтаълим мактабларида ва дарсликларни нашр этиш тизимида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши шарт;
- ташкилий ва изланиш ишларини олиб бориш малакаси;
- компьютерда ишлаш малакаси;
- тил билиш даражаси.

Иш фаолиятингиз ва малакангиз ҳақидаги батафсил маълумотлар билан қуйидаги манзилга шу йилнинг 30 - июнига қадар мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй, 311 - хона, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи.
Телефон: 139-15-71, 139-15-73

QUTLOV



Ҳурматли устозимиз Ҳамид ХЎЖАҲОНОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан табриклаймиз. Маҳеуе боғча-мактабнинг ташкил этилишидаги ҳамда ҳозирдаги муваффақиятларига қўшаётган барча меҳнатларингизни қадрлаймиз. Ишимиз — ҳамиша соғ саломат, бугунгидай ғайрат-шижоат билан ҳаммамизга бош-қош бўлиб юринг!

Сирғали туманидаги 318-махсус боғча-мактаб жамоаси

Ҳурматли дадажонимиз Хайрулла САЙДУЛЛАЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз.

Тошкент вилояти педагогика билим юртида ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Насибангиз доимо улуғ, ҳаётингиз шодлик, бахтиёрликка тўлиқ бўлсин.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

Рафиқангиз Дилбархон, фарзандларингиз: Ҳабибуллахон, Шаҳнозахон, Дилнозахон, Шухратхўжа

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.